Ёки ўта назик ва қийин жароҳли амалиётларнинг нафақат пойтахтимиз, балки вилоятлардаги даволаш муассасаларида ҳам муваффақиятли бажарилаётгани соҳа моддий-техник базаси ва тиббий кадрлар салоҳияти давр билан мутаносиб равишда тақомиллашиб бораётганини кўрсатади. Жумладан, айни пайтда Наманган ва Урганч шаҳарларида юрак клапанларини алмаштириш, тугма ва ортирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Нукус, Қарши, Фарона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиб бо-

садида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, Республика иختисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий марказлари ташкил этилди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, соғлом фарзандлар туғилиши учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хомилдор аёлларни таркибда соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд махсус поливитамишлар билан таъминлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бундай тажриба жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатда учрамаслигини халқаро экспертлар фикрлари ҳам яққол тасдиқлайди.

Ўтган йили Андижон, Бухоро, Қашқадарь, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 60 ўринли болалар хирургия бўлими, Республика иختисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида даволаш корпуси каби ўнлаб шифоналар тубдан реконструкция қилинган ушбу йўналишда ислохотларнинг изчиллигидан далолат беради. Ёнг муҳими, бунёд этилаётган замонавий даволаш муассасаларида ноёб технологиялар орқали юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишга қодир мутахассислар тайёрлаш тизими ҳам мувофиқлаштирилаётгани диққатга сазовор.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, фуқаролар саломатлигини асраш, уларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш йўлидаги савий-ҳаракатлар қўлама кенгайиб бораётгани оилаларда соғлом муҳит ва фаровон турмушнинг қарор топиши, оналар ва болаларнинг бахтиёр ҳаёт кечириши, мўтабар кексаларимизнинг миннатдорлик ҳамда шукроналик ҳисси билан умргузаронлик қилишида муҳим омил бўлмоқда.

Мухбиримиз истиқлол байрами арафасида Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси, сенатор Гулчеҳра Сатторова билан байрамга тайёргарлик борасида суҳбатлашди.



Гулчеҳра САТТОРОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

## МУСТАҚИЛЛИК — халқимиз орзу-мақсадларининг рўёби

— Бугун кунда мамлакатимиз аҳли энг улду, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами шукҳи билан яшайпти. Буюк истиқлолнинг чорак асрлик байрами арафасида кўнглингиздан қанақа ўй-фикрлар кечмоқда?

— Бу саволга бирданга жавоб бериш қийин. Чунки мустақилликнинг мазмун-моҳияти шунчалар кенг, шунчалар чуқур ва шунчалар тарқалганки, унинг таърифу тавсифига унча-бунча сўз хазинаси камлик қилади. Бундан ропа-роса 25 йил муқаддам давлатчилигимиз тарихида оламшумул воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Ушанда ҳаммамиз ҳам бу муқаддас каломнинг нақадар салмоқдор, нақадар қалбга яқин, аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орамуқаддасларига ҳаммаган эканлигини тўлиқ англаб етмаганлигимиз рост. Мана бугун, ордан чорак аср ўтиб, барчамиз мустақилликнинг, миллий истиқлолнинг халқимиз учун нақадар буюк неъмат эканлигини, ўзида энг эзгу инсонларвар қоялар ва бунёдкорликнинг битмас-туганмас қудратли қучини жамулжам этганлигини бутун борлигимиз билан ҳис этиб турибмиз.

Ана шу тарихан жуда қисқа даврда мамлакатимиз киефаси тубдан ўзгарди, бетакрор гўзаллик ва кўркамлик касб этди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жаҳаларида асрларга татигулик

тараққиёт йўли босиб ўтиди. Ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни бутун дунё эътироф этди, тан олди.

Юртдошларимизнинг турмуш даражаси юксалиши билан бир пайтнинг ўзида онгу шуури, фикрлаш тарзи ҳам ўзгарди. Улар кечаги кун билан бутунни теран фарқлаган ҳолда, мустақилликни муттасил мустақкамлаб бориш, ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш ўзларининг шарафли ва масъулиятли бурчи эканлигини чуқур англаб етишди. Шунинг учун ҳам буюк истиқлолнинг 25 йиллигини "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!" гоёси атрофига жипслашган ҳолда бир тан-бир жон бўлиб, қарши олишайпти. Айни пайтда халқимиздан ана шу фикрлар ўтмоқда, қалбдан эса гўзал Ватаним билан фахрланаёмам.

Истиқлол йилларида ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, муайян йўналишда инсон манфаатлари йўлида келгусидаги оламшумул ишларга мустақкам замин хозирланган ҳолда фаолиятимиз изчил давом эттирилаётганлиги ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бўлаёпти. Жумладан, 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши фарзандларимизнинг бахту соадати, порлоқ эртаси ҳақида қайғуриш, уларнинг янда бахтли бўлишини таъминлаш демократ, боланинг она қорнидаёқ соғлом бўлишини, бунинг учун эса оналар со-

лом бўлишига эришиш, онага моддий, маънавий, тиббий таъминотни яхшилаш йил дастурининг асосидир. Бола бахтли бўлсагина она учун ҳаёт завқли, қувончли кечади. Бола қулгисидек чиройли манзарани кўрганмисиз! Юртимизда ана шундай бахтли ҳаёт учун барча имкониятлар яратилган. Янги, замонавий умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, мусика ва спорт мактаблари бизнинг келажакимиз бўлган фарзандларимиз учундир.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасига қатта эътибор қаратилди. Бугунги мактаблар бундан 25 йил олдинги мактаблардан тубдан фарқ қилади. Келинг, бу ҳусусда ўзингиз раҳбарлик қилаётган кишлоқ мактаби мисолида ҳам фикр билдирсангиз?

— Ҳа, истиқлол йиллари

Бевосита ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, мен, аввало, бахтиёр онаман, фарзандларим мана шундай мустақил, хур диёрда яшаётганидан шодман. Мустақиллик менга ҳам меҳнат қилиш, унинг роҳатини кўриш имкониятларини берди. Шу туфайли муаллим сифатида ёш авлодга сабоқ бераёпман. Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларда фаол иштирок этаёпман. Бир сўз билан айтганда, мана шундай мустақил юрта яшаб, меҳнат қилаётганлигимдан фахрланаман, шу кунларга шукроналар айтаман.

"Adolat" мухбири Олим ХҲЖАЕВ суҳбатлашди.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Ушбу қонун меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янда тақомиллаштиришга, ташкилотларда иш беришчилар ва ҳолимларнинг ушбу соҳага доир талабларини бажариш бўйича масъулиятини қучайтиришга, меҳнат шaroити ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли шароитлар яратилиши устидан назоратни таъминлашга доир вазифаларини белгилашга, ушбу соҳадаги жамоат назорати самарадорлигини оширишга, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида амалдаги қонуннинг айрим нормаларини янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқлаштиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Қонунга янги тушунчалар киритилди, иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишини текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалалари аниқ тартибга солинмоқда.

Ушбу соҳада жамоат назоратини амалга оширишда кенг жамоатчилик ва касба уюшмалари иштирокитининг аниқ механизми белгилашмоқда, уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқлар мустақкамлаб қўйилмоқда.

Сенаторлар мазкур қонун бозор иқтисодиётининг ҳозирги замон талабларига ва демократик ислохотларни янда чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларга мувофиқ келишини ҳамда иқтисодиётнинг турли соҳалари ҳолимлари учун муносиб меҳнат шaroитларини яратишга, шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантиришга қўмақлаштиришни билдиришди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқдилар. Ушбу қонунга мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янда тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятларига хоржий инвесторларни жалб қилиш бoрасидаги қўшимча чoра-тадбирлар тўғрисида"ги қoрoғига мувофиқ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига акциядор-

лик жамиятларига чет эллик инвесторларни кенг жалб қилишга, корпоратив бошқарувда уларнинг фаол иштироки учун қўлай шарт-шaroитлар яратишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, акциядорлик жамиятларида чет эллик инвесторларнинг устак капитални яратишга, шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантиришга қўмақлаштиришни билдиришди.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ хоржий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хусусий хоржий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш бoрасидаги қўшимча чoра-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан хоржий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга тақдим этилган юридик шахсларнинг фойдала солиғи, мулк солиғи, обондонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа солиқлар бўйича имтиёзлар хоржий инвесторнинг улуши устак капиталининг 15 фоиздан 33 фоизгача миқдорни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларига тат-

биқ этилишини назарда тутувчи қўшимчанинг Солиқ кодексига киритилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонунларга киритилган қўшимчаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилди, бу қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини фуқаролар эътиборига ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида ва тўлиқ етказиш учун қўшимча шарт-шaroитлар яратиш бoрасида. Сенаторларнинг фикрича, бу ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янда яхшилашга хизмат қилади.

Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига уларнинг норма-ларини янги қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Айрим тузағишлар суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янда тақомиллаштиришга қаратилган. Хусусан, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартишлар ма-

хусус ва ҳуқуқий масалаларни ўз ичига олган ўқитиш дастурига мувофиқ суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини вақти-вақти билан ошириш бoрасининг ягона тизимини жорий этишга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига парламент сўровларини юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ сенаторлар Бош вазир ўринбосари Б.Зокировага кўрсатилган қонун ҳужжатларига сифатини яхшилашда маҳаллий давлат бошқаруви органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисидаги масала ҳақидаги парламент сўрови юбориш тўғрисида қарор қабул қилилар. "Санот-агроконтехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи Б.Ғуломовга аҳоли ва ҳудудларни таъминлаш ва теҳноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, санот хавфсизлиги ва радиация

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХҲЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Давлетова Кароматжон Худайбергеновна Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.ЙЎЛДОШЕВ Тошкент шаҳри, 2016 йил 25 август

хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши тўғрисидаги масала юзасидан парламент сўрови юборилди. Маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедовга мамлакатимизда театр санъатини ривожлантириш, театр муассасаларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустақкамлаш, халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини акс эттирувчи саҳна асарларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала бўйича парламент сўрови юборилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли

бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Сенатнинг икки кун давом этган мажлисида 10 та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 6 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янда оширишнинг, барқарорлик ва фаровонлиқни мустақкамлашнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади.


Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

## Аждодлар хотираси барҳаёт

➤ 31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Хар йили 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида қатагон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилади. Юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотираси бизни муқаддас Ватанни кўз қорачиғидек асрашга даъват этади.



Истиқлол туғайди юртимизда тарихий адолат қарор тоди, миллий қадриятларимиз тикланди. Ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етишимиз, бебаҳо неъмат — мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшимиз лозим. Бу шарофатли масъулиятни чуқур англашда эса табарруқ қадамжолар тарбиявий аҳамият касб этади.

13 минг нафари отиб ташланганини эслаш қийин.

Қатагон қурбонлари хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуи айнан шу жойда — Бўзсув соҳилида барпо этилган бежиз эмас. Одамларнинг юрагидида муҳаббат из қолдирган қатагон йилларида бу жарлик — Алвасти кўприк деган совуқ ном олган, инсон қалбига қўрқув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, ном-нишонсиз кўмиб ташланган...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда истибод қурбонлари шайини тиклаш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1999 йил 12 майда Президентимиз фармойиши билан мустақиллик тузум қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилди, ўша йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси (ҳозирда жамоат фонди деб юритилади) ташкил этилди.

2000 йил 12 май куни Юнусов туманида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи очилди. Мустақиллик йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси ана шу ёдгорликда ўз абадиятини топди.

Кўп фурсат ўтмай, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган “Қатагон қурбонлари хо-

тираси” музейининг дастлабки биноси барпо этилди. Қисқа муддат ичида ушбу маскан пойтахтимиздаги энг гавжум зиёратхоналардан бирига айланган.

Президентимизнинг 2008 йил 5 майдаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мажмуада кўшимча қурилиш ишлари амалга оширилди, музей экспозицияси тубдан янгиланди.

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси — Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида ўз жонидан кечган юртдошларимиз безовта руҳи таскин топган маскан. Бир маромда оқаётган Бўзсув қирғоқлари ободонлаштирилиб, чиройли манзара касб этди. Текис саф торган дов-дарахтлар, анвойи гуллар...

Мажмуа марказида баландлиги 27 метрга тенг мовий гумбаз қад кўтарди. Ўртасидаги хандасавий шаклда сайқалланган саҳида нефритдан ясалган сағана ўрин олган. У қатагон йилларида қурбон бўлган хамюртларимизнинг рамзий қабри ҳисобланади.

“Қатагон қурбонлари хотираси” музейи экспонатлари билан

танишар эканмиз, тарихий хотира ҳар бир инсон учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор хис этамиз. Кўпдан-кўп тарихий ҳужжатлар, маълумотлар, суратлар, турли ашёлар мамлакатимизнинг яқин ўтмиши, 130 йил давом этган мустақилликчилик сиёсати ва унинг асоратлари, эрк ва озодлик курашчиларининг жасорати, шу буюқ мақсад йўлида қурбон бўлганларнинг фожиаки тақдирини ва ниҳоят, аждодларимизнинг буюк орзуси саналмиш Истиқлол кўшигининг порлаши, мустақиллик йиллари юртимизда амалга оширилган бекиёс бунёдкорлик ишлари хақида хикоя қилади.

Музейда замонавий дизайн ва техник воситалар, ахборот технологияларидан кенг фойдаланилганлиги, экспозиция таркибиди сенсор қиосқлар, мониторларга қатагон даврининг жафоларини акс эттирувчи ноёб архив маълумотлари, хотиралар, интервьюлар, мусиқий асарлар, видеолавҳалар ва сюжетлардан иборат ўша давр кўринишларининг жойланганлиги таширф буюрғувчилар кизиқишини оширмақда.

Муҳтасар айтганда, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси бизни қатагон қурбонлари хотирасига ҳурмат ва эҳтиром ила муносабатда бўлишга ундаши баробарида, ҳар бир юртдошимиз, айниқса, ёшларимиз қалби ва онгида ватанпарварлик, ўз халқига муҳаббат, садоқат туйғуларини мустаҳкамлайди.

Суюндик МАМИРОВ,  
“Adolat” мухбири

## ➤ АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар хусусида алоҳида таъкидланган. Зеро, инсоният атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан ёндашиш, табиий бойликларни асраб-авайлаш, унинг неъматларини келгуси авлодларга бекаму кўст етказишга масъулдир.

## Табиатни асраш ҳар биримизнинг бурчимиз

Она табиатни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш ҳамда табиат неъматларидан оқилона фойдаланишга доир ҳуқуқий меъёрлар, қонда ва мажбуриятлар Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликларини тўғрисида”ги қонунларида аниқ белгилаб берилган. Шу билан бирга, соҳага оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб бормоқда.

Мазкур йўналишда халқаро алоқалар ўрнатилиб, ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятининг Фориш туманида ер ресурсларини барқарор бошқариш бўйича Марказий Осиё давлатларида билимларни йўналтириш “ИКАРДА” ташкилотининг лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилиши, Баҳмал туманида Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда “ЭКОСАН” халқаро хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган экосаёҳат аҳолининг экологик маданиятини ошириш ва тадбиркорликка йўналтириш, мазкур соҳаларда илғор технологияларни жорий этиш каби мақсадларга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

“ИКАРДА” халқаро ташкилотининг ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги тадбири ярим чўл ва чўл ҳудудларидаги кичик дехкон хўжаликларидида чорва озу-

қасини тайёрлаш ва қайта ишлаш технологиялари ҳамда оилавий тадбиркорликни ташкил этиш масалаларига бағишланди. Фориш туманида уюштирилган ўқув йиғилишида юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар вакиллари, фермерлар, чорвадорлар, тадбиркорлик соҳасида иш бошлаш ниятида бўлган ёшлар иштирок этдилар. Тадбирда яёвловлар ва лалми ерлардан самарали фойдаланиш усуллари, бундай ҳудудлардаги ўсимлик дунёсини асраб-авайлаш, қўлпайтириш, мазкур йўналишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликка доир ҳуқуқий ҳужжатлар, имконият ва имтиёзлар, кредит олиш тартиблари, оилавий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатаётган ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси каби масалалар юзасидан тушунтириш бериб ўтилди.

Ташкилотимиз табиатни муҳофазалаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сув танқис ҳудудларда самарали технологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби масалаларда бир қатор минтақалардаги йигирмага яқин илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилди, — дейди “ИКАРДА”нинг билимларни йўналтириш лойиҳаси маслаҳатчиси Азиз Расулов. — Лойиҳа доирасида Фориш туманида битта ўн гектарлик ҳамда йигирма тўртта кичик майдон-

лар тўсиқлар билан ўралиб, ўсимликларнинг кўпайиши ва ривожланиш жараёنлари ўрганилапти. Чўл ва дашт ҳудудларида ўсимлик урувларини қўлпайтириш ва етказиб бериш, сувсизликка чидамли дарахтзорлар сонини ошириш тадбирлари ҳам қўрилмоқда.

Дунёда рўй бераётган иқлим ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши, чучук сув, нефть ва газ захираларининг камайиб бораётгани сингари ўнлаб экологик муаммоларнинг юзага келиши биздан табиатдан оқилона фойдаланиш ва унга етарлича муносабатда бўлишни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган яна бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили баҳор ва куз ойларида миллионлаб дарахт кўчатлари ўтказилапти. Автомобилларга газ ёнилғи баллонларининг ўрнатилишига доир изчил тадбирлар хаво мусоффолигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Қайта тикланувчи мукобил энергия манбалари жорий этилапти, аҳолининг экологик маданиятини ошириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Иштирокчиларнинг таъкидлашича, ушбу тадбир ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорликни қучайтиришда яна бир омил бўлиши билан аҳамиятлидир.

Дилдора ЖўРАЕВА,  
Жиззах туманидаги  
11-умумтаълим мактаби  
ўқитувчиси,  
“Адолат” СДП фаоли

## Фарғона вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси жамоаси

барча юртдошларимизни Мустақилликнинг 25 йиллиги байрами билан қутлайди.

Мамлакатимиз равнақи ва элимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда улкан ютуқлар тилайди.

Йил сайин гуллаб-яшнаб, обод бўлиб бораётган озод Ватанимиздаги тинчлик-осойишталик, хонадонларимиздаги тотувлик, кўнгиллардаги кўтаринкилик мангу бардавом бўлсин.



## «ОСИЁШАРОБСАВДО» унитар корхонаси жамоаси

Ўзбекистон фуқароларини энг улуг айём — мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги билан қутлайди!

Қўлга киритилаётган улкан ютуқларимиз бардавом бўлсин. Келажаги порлоқ юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин! Ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимизни улуг неъмат — Мустақиллигимизни асраб-авайлашга сафарбар этайлик.

СИЗЛАРГА ОИЛАВИЙ БАХТ, ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТ ҲАМИША ЙЎЛДОШ БЎЛСИН!





## Сармоялар кичик бизнес ривожига

### МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик муҳити яратилгани сабабли кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Бу жараёнда республикамиз молия муассасалари томонидан кичик бизнес ривожига учун ажратилаётган сармоялар ҳам салмоқли ўрин тутмоқда. Бу борада Фарғона вилоятида ҳам самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кичик бизнес субъектларининг фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, пул тўловлари тезкорлигини таъминлаш «Асака» акциядорлик-тижорат банки Фарғона вилоят филиали зиммасига катта масъулият юклайди.

Мазкур молия муассасаси ташкил этилгандан бери аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Банк филиали орқали кўрсатилаётган хизмат турлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, янги банк маҳсулотларини жорий этиш, уларнинг сифатини яхшилаш борасида аниқ мақсадли ишлар қилиниши билан бирга юртимизнинг энг ишончли банкларидан бири сифатида нафақат республикамизда, балки халқаро миқёсда ҳам тан олинаётганлиги қувонарли ҳолдир.

«Асака» банк Фарғона вилоят филиали мижозларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Аҳоли ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда қўпайтириб бормоқда.

Банк филиали кредит портфели ҳажми 2016 йил 1 июль ҳолатига 224,1 миллиард сўмдан ошди. Кре-

дит қўйилмаларининг асосий қисmini узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Банк филиали жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқларини янада ривожлантириш билан бир каторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жорий йил биринчи ярми мобайнида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 32,8 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Банк филиали тадбиркор аёллар томонидан тақлиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш, шу орқали уларнинг республикамиз иқтисодий ва ижтимоий соҳаларидаги ўринларини янада мустаҳкамлаш мақсадида имтиёзли шартларда қарийб тўрт миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратди. Ушбу кредитларнинг асосий қисми саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга



йўналтирилди. Натижада янги иш ўринлари ташкил этилиб, хотин-қизларни, айниқса, ёшларни, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари хал этилганлиги, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари янада яхшиланганлиги алоҳида таҳсинга сазовор.

Дарҳақиқат, бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имтиёزلардан самарали фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд. «Асака» банк Фарғона вилоят филиали мутахассислари касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган турли анжуманлар ва тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар, ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи

сертификатлар топширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ва моддий-техник салоҳияти тубдан мустаҳкамланмоқда. «Muxammaddiyor fayz kelajagi» оилавий корхонасининг банк билан молиявий соҳалардаги ҳамкорлиги буни яққол исботлайди. Ушбу чорвачилик хўжалиги банкнинг кредит сармоиси туфайли қаддини тиклабгина қолмасдан босқичма-босқич ривожланишга ҳам эришди. Банк-

дан олинган кредит маблагини эвазига 7 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, этиштирилган сўт ва гўшт маҳсулотлари бозорда бу хил маҳсулотлар нархининг пасайиши, сифат кўрсаткичларининг эса орттишига олиб келаяпти.

Банк филиали томонидан 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 56,0 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Асака» банк Фарғона вилоят филиали фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўлайликлар яратиш устувор вазифалардан саналади. Банк филиали жамоаси мазкур соҳанинг ривожига иқтисодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши англаган. Шунинг учун истиқболдаги тараққиётини белгилаб олишда масаланинг ана шу томонини назардан қочирмасликка интилаётганлигини кўриш мумкин. Натижада республика иқтисодиётининг ҳар томонлама ўсиши учун мавжуд қўлай шарт-шароитлар замирида фаолиятнинг самарадорлигига эришилмоқда.

### МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

**Лариса НОСОВА,**  
«Фейхан-Текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» эи Фармонининг қабул қилиниши айни соҳада изчил амалга оширилаётган ислохотларни яна бир поғона юқорига кўтарди. Бунинг натижасида ишбилармонлик йўлини танлаган ёшлар сафи ҳам кенгаймоқда.

«Асака» банк жамоасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаши биз учун айни муддао бўлмоқда. Банк сармоялари тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожига муҳим аҳамият касб этади. Бугун мамлакатимизда корхона очиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки хизматлар кўрсатишни ташкил қилаётган тадбиркорларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бунинг сабаби эса мамлакатимизда ишбилармонлик ҳаракатида барча қўлайликлар яратиш берилаётганида деб биламан.

Тижувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган корхонаимизнинг ташкил этилишига ҳам ана шу эътибор ва рағбат туртки бўлди.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида кредит олиш учун «Асака» банкка мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг лойиҳамизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, кредит ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилдилар. Банк кредити ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни келтириб ўрнатдик. Ҳозир жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган юқори сифатли тижувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Банк кредити туфайли қўшимча 30 иш ўрни яратилди. Жорий йилда юқори сифатли маҳсулотларимизни хорижда экспорт қилишни ҳам бошладик.

Биз эришган муваффақиятларда «Асака» банкнинг улуши беқиёсдир. Бунинг учун банк жамоасига миннатдорлик билдираман.

**Гавҳаразимхон АЗИМОВА,**  
ёш тадбиркор:

— Риштон педагогика ва иқтисодиёт коллежини тамомлаганимдан сўнг юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган қўлай шарт-шароитлардан фойдаланиб, мен ҳам тадбиркор бўлишга аҳд қилдим. Шу мақсадда республикамизда нуфузли банклардан бири бўлган «Асака» банкка мурожаат этдим. Банк маъмурияти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Ушбу кредит маблағи ҳисобига савдо дўконини очиб, уни замон талабларига мос равишда жиҳозладик, расталарни сифатли ва харидорлар маҳсулотлар билан тўлдирдик. Айни пайтда дўконимиз мижозлари сони кундан-кунга қўпайиб, шунга яраша даромадимиз ҳам ошиб бормоқда. Энг муҳими, икки нафар коллеж битирувчиси бўлмиш дугоналарим ҳам иш билан таъминланди.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишимиз учун молиявий мадад берган «Асака» банк жамоасига ўз миннатдорлигини билдираман.

**Абдурахим ХОЖИМАТОВ,**  
«Абдурахим Хожиматов замини» дехқон хўжалиги раҳбари:

— Мен ҳам юртимизда тадбиркорлар учун яратилган қўлай шарт-шароитлардан фойдаланиб, яхши ниятлар билан чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилдим. Шу мақсадда молиявий қўмак сўраб «Асака» банкка мурожаат этдим. Банк кредит маблағи ҳисобига зотдор қорамоллар олдик. Ҳозир вилоятимиз аҳолисини сифатли, арзон гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлаб келаямиз. Шу ўринда банк кредити эвазига 6 та янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлайман.

Келгусида сутни қайта ишлаш линияларини олиб келиб ўрнатиш ва халқимиз дастурхонини янада тўқин қилишга ўз ҳиссамни қўйиш ниятдаман. Бунинг натижасида иш ўринлари сони 28 та қўпайиб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Албатта, бу борада «Асака» банк бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

Мен «Асака» банкнинг мижози эканлигимдан, қолаверса, ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишларда ўзимнинг қатнаган меҳнатим билан иштирок этаётганлигимдан гоёта мамнунман.

Банк материаллари асосида  
«Adolat» муҳбири  
Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА  
тайёрлади.

## Байрам сайли

### ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

Бухоро шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Ўзбекистон — инсон қадри улугланган юрт» лойиҳаси доирасида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб байрам сайли ўтказилди.

Бухоро вилоят партия кенгаши, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, «Тўқимачи» маҳалла фуқаролар йиғини, «Тўқимачи» дехқон бозори ҳамкорлигига ташкил этилган ушбу тадбир миллий кадрият, анъаналаримизни тарғиб этиш, фуқароларнинг ватанпарварлик туйғуларини янада кучайтириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилди. Байрам сайлини Бухоро шаҳар партия кенгаши раиси Дилшод Бозоров очиб берди.

Ҳамкор ташкилотлар вакиллари ўз сўзида истиқлол туфайли миллий ўзгиримиз қайта тикланиб, анъаналари-

миз кадр топганини таъкидладилар. Зеро, ўзгиримизни амалга оширишнинг руҳини юксак, гурури бадал, кучли, билимли бўлиб камол топганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Сайлда миллий спорт ўйинлари, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, беллашувлар барчага завқ-шавқ, кўтаринки кайфият, байрамона шукуҳ бағишланди. Жаҳонгир полков бошчилигидаги «Бухоро дорбозлари» жамоаси жуда қизиқарли ўйинлар кўрсатди.

Ёшларнинг шахмат ва шашка ўйинида донна суришларини муҳлислар хаяжон билан кузатишди. Волейбол,

баскетбол спорт ўйинларида нафақат маҳалла ёшлари, балки фаоллар ҳам иштирок этишди.

— Партиянинг қўмаги билан ташкил этилган ушбу сайл маҳалла ёшлари ва фаолларнинг иқтидорини кўрсатиши учун яна бир имкон яратди, — дейди «Тўқимачи» МФЙ раиси Нусратилло Исмолов. — Сайлда болалар майдончаси ҳам ташкил этилган ота-оналар ва болажонларни қувонтирди.

Сайл давомида умидли спортчилар, голибликни қўлга киритган жамоалар ва спортсеварлар ҳамкор ташкилотлар томонидан медаллар ва фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Моҳиғул АБДУЛЛАЕВА,  
Бухоро вилоят кенгаши  
матбуот котиби



## «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча соҳаларда юксак марраларга эришаётган кўп миллатли бунёдкор халқимизни, қалби юртни яшнатиш, обод этиш ишқи билан ёнган юртдошларимизни

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан

самимий муборакбод этади!

Ватанимиз тараққиёти, элимиз фаровонлиги йўлидаги масъулиятли ишларида уларга омад тилайди.

Гўзал ва бетакрор юртимиз доимо тинч, осмонимиз ҳаминиша мусаффо, халқимиз соғ-омон, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



ЭЪЛОН!!!

«BUXORO BEST REALTOR» масъулияти чекланган жамияти «Адолат» газетасининг 2016 йил 05 август сонидан чоп этилган эълондаги аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш вақти соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ўрнига аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш соат 09:00 дан 18:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик)га ўзгарганлигини маълум қилади.

Савдо ташкилотчиси «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖ. Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси 12-й. Тел: (0365) 221-54-43. электрон почта: [www.realtor-company.uz](http://www.realtor-company.uz).

Лицензия RI 0248

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислам ҚАМРОЕВ



Таҳрир хайъати:  
Наримон УМАРОВ  
Мухаммад АЛИ  
Гавҳар АЛИМОВА  
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА  
Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Алишер ШОДМОНОВ  
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

Навбатчи муҳаррир — Феруз Жўраев  
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рұхсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Таҳририят манзили: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани  
«Шарк тонги» кўчаси, 23-уй.  
info@adolat.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 800. Адади — 6540. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилади — 23.00.

Баҳоси келишилган нарха

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Сийёсий Кенгаши